

Германияда метро бекати вафот этган мусулмон номи билан аталди



17:10 / 19.06.2019 3057

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Германияда ёш мусулмон бир одамни қутқариш учун ўз ҳаётини қурбон қилган эди. Ўшанда 17 ёшли Мустафо Алптуғ Сузен метро рейсларига тушиб кетган бир инсон ҳаётини сақлаб қолиб, бироқ ўзи яқинлашиб келаётган поезднинг ғилдираклари остида қолиб кетган. Фожиали воқеа содир бўлганидан сўнг, Франкфурт маъмурияти ва Деутсче Бахн темир йўл компанияси Франкфурт шаҳаридаги энг серқатнов метро бекати бўлган “Остендштрассе” бекати номини вафот этган мусулмон қаҳрамоннинг шарафига унинг номи билан аташга қарор қилдилар. Энди унинг номи “Алптуғ Сузен / Остендштрассе” деб аталмоқда. Ислон.ру сайтининг хабар беришича, метро бекати номини ўзгартириш тўғрисидаги петиция 56 мингга яқин имзо тўплашга муваффақ бўлган ва уни Франкфурт шаҳар ҳокими Питер Фелдман

қоҳўллаб-қувватлаган. Кўпчилик 17 ёшли қаҳрамоннинг хотирасига бағишланган ёдгорликнинг расмий очилиш маросимига ташриф буюрди. У ерда Туркиядан келган йигитнинг отаси, унинг қариндошлари ҳам ҳозир бўлган. Тадбирда, шунингдек, Алптуғнинг синфдошлари, дўстлари ва шаҳар аҳолиси, турли миллат ва динларнинг ёш вакиллари ҳам қатнашган.

Islom.uz